



Ўзбекистон — Россия:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 25-26 апрель кунлари расмий ташиф билан ушбу мамлакатда бўлди.

25 апрель кун Ислам Каримов ва Владимир Путиннинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Президентларнинг самимий ва сермазмун суҳбати узоқ давом этди. Томонлар Ўзбекистон — Россия муносабатлари, жаҳоннинг турли минтақаларида содир бўлаётган воқеалар ҳусусида атрофлича фикр алмашди.

Ташифнинг асосий тадбирлари 26 апрель кун Кремлда бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Владимир Путиннинг учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ислам Каримов ушбу ташиф ўзаро алоқалар ривожига янги сурат бағишлашни, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама фикр алмашиш учун қулай имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг стратегик ҳамкори ва ишончли иттифоқчиси эканини, бу муносабатлар янада мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асосга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома доирасида изчил ривожланиб бормоқда.

Ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар сазй-ҳаракатлари мувофиқлаштириш, олий даражадаги учрашувларда эришилган қилишувларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон муаммоси, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги доирасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг ташкилот ишини янада фаоллаштириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга йўналтирилган сазй-ҳаракатлари муҳим

аҳамиятга эга экани таъкидланди. Владимир Путин Ўзбекистон томонидан ШХТнинг июнь ойида Тошкентда бўладиган саммити муҳокамасига қиритилиши мўлжалланаётган ташаббусларни Россия томони қўллаб-қувватлашни қайд этди.

Ўзбекистон — Россия муносабатларида савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосий ўрин тутди. 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2015-2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид ҳукуматлараро битимга мувофиқ бу соҳадаги алоқалар изчил таъкид этилди.

Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо шериклари орасида иккинчи ўринда туради. Ўзбекистон Россияга транспорт воситалари, пахта толаси, трикотаж, мева-сабзавотлар, қора ва рангли металллар, турли хизматлар экспорт қилади. Россия мамлакатимизга транспорт воситалари, кимё ва қозғо саноати товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 900 дан ортиқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Россиянинг 85 фирма ва компанияси ваколатхонаси очилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич 7,9 фоиз ошган.

Инвестициявий ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Кейинги йилларда Россиянинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 6 миллиард доллардан ошган. Ўтган йили бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 40 фоиз ўсган.

Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ёқилғи-энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» нефть-газ компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Шу йил 19 апрель кун Бухоро вилоятида «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошлади.

Ўзбекистон автомобиллари Россияда доим харидордир. «Матиз», «Нексия» каби машиналаримиз бу ерда бир неча бор йилнинг энг яхши автомобилли деб топилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу мамлакатда янги бренд остидаги «Ravon

Gentra» савдоси 7 фоиз ўсган.

Россияда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига талаб юқори. Ўзбекистон бу соҳада улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада янада кенг имкониятлар яратди.

Музокарада мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга келишиб олинди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда Ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўлиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича Ўзаро алоқаларни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Музокарада якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида маданий-гуманитар, ташқи сиёсат, олий таълим, жисмоний тарбия ва спорт каби қатор соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ислам Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокарада очик ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашганини таъкидладилар. Бу ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини берди. Қўриб чиқилган масалалар юзасидан томонларнинг позицияси бир хиллиги ёки ақиллиги қайд этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Россияга расмий ташифи давоми бўлган Олий даражадаги мулоқотларнинг узвий давоми бўлган ушбу музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари белгилаб олинди. Бу Ўзбекистон ва Россия халқлари манфаатларига хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА маҳсуе мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Партия гуруҳлари фаоллиги

ижтимоий масалалар ечимида муҳим ўрин тутди

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг пленуми бошланишидан олдин кенгаш раиси Сирожиiddин Аъзамовни учратдик.

— Бугун сўзга чиқувчилар қозғога қарамай гапиради, —

деди у салом-аликдан кейин. — Партиямиз фаоллари, депутатлар билан очик мулоқот қилсак, дейман. Тўғри, рақамлар, бажарилган ишларни таҳлил қилиш яхши. Лекин келгусида ишларимизни янада жонлантириш

учун бизга кўпроқ фикр-мулоҳазалар, таклифлар керак. Пленумни ёритишда ҳам шу масалага эътибор қаратсангиз, мақсадга мувофиқ бўларди...

► Давоми 2-бетда.

2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Фаол аёллар — жамият таянчи

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда етакчилик қобилиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрнига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, партия вакиллари ва «Фаол аёллар» қаноти етакчилари иштирок этди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, аёлларни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, давлат ва жамият қурилишида иштирокини кенгайтириш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида партиянинг бу соҳадаги фаолияти янада кенгаймоқда. ХДП «Фаол аёллар» қаноти томонидан аёллар ўртасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни

ривожлантириш, ҳуқуқий ва тиббий маданиятни юксалтириш, бандлиқни таъминлаш, оммавий спортни ривожлантириш бўйича «Аёллар соғлиги — жамият бойлиги», «Ижтимоий ҳимоядан ижтимоий фаоллик сари», «Қонун тарғиботи ойлиги», «Тиббий маданият ойлиги» каби лойиҳалар ҳаётта таътиқ этилмоқда.

Семинарда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий асослари, бу борадаги вазифаларни ҳаётга таътиқ этишда депутатлар ва ХДП мутахассисларининг ҳамкорлигини ошириш, «Соғлом она — соғлом бола» лойиҳасини ҳаётга таътиқ этишда давлат ва жамият ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш бўйича маърузалар тингланди ва амалий машғулотлар ташкил этилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Нукусда «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» лойиҳаси доирасида тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Битирувчилар бандлиги — долзарб масала

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Партия электорати вакилларининг сиёсий-иқтисодий билимини янада ошириш, маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг аҳоли билан мулоқоти-ни ташкил этиш, мамлакатимизда қабул қилинаётган янги қонунлар, меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, ижтимоий шериклик асосида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни жойида ҳал этишга қўмақлаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

— Ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан бирга аҳоли бандлигини таъминлаш, кам таъминланган аҳоли қатламларига берилаётган имтиёزلар, қасб-хунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий ҳимоя тизимини янада кучайтириш борасидаги вазифалар муҳкама қилинди, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Қуватбой Қурбонбоев**. — Ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатлами, пенсионерлар, ногиронларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича партия дастуридаги вазифаларни амалга ошириш чоралари белгиланди.

Тадбирда коллеж битирувчилари учун бериладиган имтиёзли банк кредитларини олиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар учун солиқ имтиёзлари тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗХДП НАМАНГАН
ВИЛОЯТ, ТУМАН,
ШАХАР
КЕНГАШЛАРИДА

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲАМДА УЙЧИ ТУМАН
КЕНГАШЛАРИ ҲАМКОРЛИҚДА «БИРЛАШГАН»
ҚИШЛОҒИДА «ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ
— ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ УЧУН ХИЗМАТ
ҚИЛАДИ» ШИОРИ ОСТИДА КЎЧМА
ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

ПОП ТУМАНИДА СИЁСИЙ ВА
ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ
ТИЗИМИДА «ПАРТИЯДА КАДРЛАР
БИЛАН ИШЛАШ — МУҲИМ МАСАЛА»
МАВЗУСИДА ЎҚУВ ЎТКАЗИЛДИ.

ЧОРТОҚ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА «ИСТИҚБОЛ»
ЁШЛАР ҚАНОТИ, «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТимоий
ХАРАКАТИ ТУМАН БЎЛИМИ ВА БОШҚА ҲАМКОР
ТАШКИЛОТЛАР ИШТИРОКИДА «БАҒРИНГДА
БЕАРМОН ЯШАРМАН, ВАТАН» МАВЗУСИДА
ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

■ Маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари томонидан доимий комиссиялар ва сессияларда қабул қилинган қарорлар ижроси устидан мунтазам мониторинг олиб борилиши керак.

Партия гуруҳлари фаоллиги

ижтимоий масалалар ечимида муҳим ўрин тутати

Бу бизнинг вазифамиз эканини айтиб, ичкарига кирдик. Пленумни вилоят партия кенгаши раиси очди:

— Бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим. Вилоятимиз улкан ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга, табиий ресурсларга бой ҳудуд ҳисобланади. Бу зимманида катта масъулият турганини ҳам англашди. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари аҳолини ўйлантираётган ижтимоий масалаларни чуқур ўрганиб, уларни ҳал қилиш бўйича таклифлар, ташаббуслар билан чиқиши, вилоятимиз ривожига муносиб ҳисса қўиши талаб этилади.

Ҳал шу ҳақда кетганда, ўтган йилги фаолиятимизга ҳолис баҳо берсак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Айтиш кераки, Ҳаракат дастури ижросини таъминлашда айрим туман ва шаҳар Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари ҳуқуқ ва имкониятлардан самарали фойдалана олмади. Аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, кенг миқёсда муҳокама қилишга етарлиқа эътибор қаратилмади. Натижада айрим ҳудудларда электротар манфаатлари билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмай қолди.

Бу ўринда биз томондан ҳам эътиборсизликка йўл қўйилган, деб ўйлайман. Маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари томонидан доимий комиссиялар ва сессияларда қабул қилинган қарорлар ижроси устидан мунтазам мониторинг олиб борилиши керак. Шу ўринда яна бир мулоҳаза. 2015 йилда партия ташкилотлари қоидадаги 21 Жамоатчилик қабулхонасига тушган 800 га яқин мурожаатнинг 79 фоизи ечим топди. Савол туғилди: бу борада кўрсаткични оширишимизга нима

тўққинлик қилди? Ўйлашимча, ҳамма жойда иш масъулият билан йўлга қўйилса, қонуний ваколатлардан самарали фойдаланилса, ҳеч бир мурожаат ўз ҳолига қолиб кетмайди.

Тахлиллар, таклифлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Сўзга чиққанлар бирин-кетин ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Сўзим аввалида савол бермоқчиман, — деди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Мехроҳ ДАРХОНОВ. — Партиямиздан сайланган депутатлар сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини маҳаллий Кенгашларда қай даражада ифода қилишга? Умуман, вилоятда партиямизнинг Сайловолди дастури ижросини таъминлашда партия гуруҳларининг ўрни, таъсири қандай бўляпти?

Вилоятдаги партиямиз гуруҳларининг ўтган йилги фаолиятига назар солсак, бу саволларга жавоб топишда бироз қийналамиз. Буни нафақат депутатлар, балки ҳар биримиз тан олишимиз керак. Маҳаллий Кенгаш депутатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш бўйича роли, ваколатлари сезиларли равишда ошди. Бирок негадир депутатларимиз улардан тўлиқ фойдалана олмапти. Масалан, халқ депутат-



Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги депутатларимиз ўтган йили маҳаллий давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларига 26 депутат сўрови юборган. Шундан 13 сўров фуқаролар мурожаатлари, қолган 13 таси қонун ва қарорларнинг ижроси билан боғлиқ бўлган.

Баъзи депутатлар фақат ўзи аъзо бўлган доимий комиссия иши билан қияфоланмоқда. Сайлов округларидаги долзарб ижтимоий масалаларни ҳал қилиш четда қолиб кетмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссиялари йиғилишларида партия гуруҳлари ташаббуси билан ташкил этилаётган мансабдор шахсларнинг ҳисоботи ёки ахбороти эшитиш ва уларнинг муҳокамаси талаб даражасида ўтказилмапти. Бу масала ҳам депутатлар, партия гуруҳлари эътиборида туриши керак, деб ўйлайман. Сессия муҳокамаси олдидан партиямиз гуруҳлари ўз позициясини шакллантириб оلسа, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу йил ана шу

жиҳатларга эътибор бериб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилайлик.

— Фикрингизга қўшимча қилмоқчиман, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси Шухрат ТУРСУНБОВ. — Партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, таклифлар тайёрлашда ташаббускорликни қўлга олишимиз керак. Партиямиз Сайловолди дастури, электротар манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий масалалар маҳаллий Кенгашларда кенг ўрганилиб, изчил муҳокама қилиниши кейинчалик парламент назоратини кучайтиришда ҳам муҳим ўрин тутати. Демак, барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим.

Депутат яна бир қанча таклифлар берди. Муҳокамаларда ҳар бир ҳудуд вакили фикр билдирди.

— Тўғрисишни айтсам, пленумга маъруза тайёрлаб келганим, — деди «Фаол аёллар» қаноти

Ангрен шаҳар бўлими етакчиси Дилдора ФАЙЗУЛЛАЕВА. — Лекин уни ўқиб бермоқчи эмасман, мен бугун кўнглимдаги гапларим ва фикрларимни билдирмоқчиман. «ЎЗХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловидида қатнашиб, юртимиздаги фаол аёллар билан мулоқот қилгач, хотин-қизларнинг имкониятлари, жамиятдаги ўрни ҳақида тасаввурларим кенгайганини сездим. Ўз устимда ишлашни ўргандим. Танлов давомидаги савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар мени ўзгартирди, иродамни тоблади. Шунини тушунидимки, биз, партиямиз фаоллари, депутатлар катта-кичик йиғилишлар, давра суҳбатларида эркин фикр алмашишга, дилимиздаги сўзларни гапиришга алоҳида эътибор беришимиз керак экан. Пленум иштирокчиларидан илтимос қилмоқчиман. Бизнинг Ангрен шаҳридаги, умуман, вилоятимиздаги опа-сингилларимиз билан тез-тез учрашув ва мулоқотлар ўтказилса, яхши бўлар эди. Бу борада депутатларимиз, партиямиз фаолларидан кўпроқ ташаббуслар кўтиб қоламиз.

Пленумда Олий Мажлис Сенати аъзолари, депутатлар, шаҳар, туман партия кенгашларининг бўлими ҳамда сектор мудирлари камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини айтишди.

Ташаббускорлиги, фаоллиги билан бошқаларга намуна бўлаётган бошланғич партия ташкилотлари етакчиларига ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

28 АПРЕЛЬ —
БУТУНЖАҲОН МЕҲНАТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

Дунё жамоатчилиги эътиборини кучайтириш мақсадида 28 апрель «Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кун» деб эълон қилинган. Бу меҳнат хавфсизлигини таъминлашни, иш жараёнида ҳар томонлама мақбул шароит яратиш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ илғор ёндашувлар ҳаётга татбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этади.



Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎЗХДП фракцияси аъзоси.

Меҳнат муҳофазаси

ишчи-ходимларнинг ҳаёти,
соғлиғи билан боғлиқ долзарб масала

Шуни айтиш кераки, сўнгги йилларда меҳнат хавфсизлиги билан шуғулланганидан халқаро ташкилотларнинг меъёрий ҳужжатлари ҳамда кўплаб давлатлар қонунчилигига тегишли ўзгаришлар киритилиб, қатор янги талаб ва стандартлар жорий қилинди. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига қараганда, дунё бўйича ҳар йили меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган сабабларга кўра, 160 миллионга яқин кишининг касб касалликларига қалиниши кузатишмоқда. Дунёда жами ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг умумий сони 270 миллионга етганлиги бу борадаги муаммоларнинг ўта долзарблигини кўрсатиб турибди.

Кўпгина давлатларнинг соҳага оид қонунчилигида корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хавфсизлиқни бошқаришни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилишдаги мажбуриятлари ҳамда ҳуқуқларини белгилловчи нормалар, бу борада назоратни ташкил қилиш талаблари акс эттирилган. Айрим ривожланган давлатларнинг қонунчилигида ёшлар ва катта ёшли ишчи-ходимлар бўйича меҳнат хавфсизлиги қоидалари алоҳида мустақамланган. Бу тизимда янги ёндашувлар юзга келаётганини аниқлади.

Бир қатор давлатларда меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларига нафақат бюджет маблағларини, шу билан бирга, корхона ва мансабдор шахсларга қўлланилган жарималар, алоҳида тузилган шартномалардан тушган маблағларни ҳам йўналтириш амалиёти мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, халқаро ҳуқуқий талабларга мувофиқ, дунё давлатларининг соҳага тегишли қонунчилиги меҳнат муҳофазасини таъминлаш нуқтаи назаридан такомиллаштириб бормоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, 1993 йилда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Бугунги кунда ушбу қонунни бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий шериклини мустаҳкамлаш тамойилларига мослаштириш вазифаси юзга келган. Шу билан бирга, мамлакатимизда «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги, «Саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Радиация хавфсизлиги», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда), «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинганлиги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни янада такомиллаштириш заруратини юзга келтирган эди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан мазкур Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниб, Сенатга юборилди. Унда соҳадаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга, республика, тармоқ ва ҳудудлар даражасида меҳнат муҳофазасини тўғри ташкил қилишга, иш берувчилар билан бирга, ходимларнинг ҳам масъулиятини оширишга эътибор берилди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза этишга оид муносабатларнинг мустаҳкамлашишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига ижобий таъсир кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, меҳнат муҳофазаси инсон ҳаёти хавфсизлигини, корхона-ташкилотлар ривожини таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Бу борада қонунчиликнинг мустаҳкам бўлиши, зарур тадбирларнинг тўғри ташкил қилиниши касб касалликлари, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилади.

АМАЛИЙ ИШЛАР

электротар манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади

ЎЗХДП Хоразм вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида партия ташкилотлари ва гуруҳларининг ўтган йилги фаолияти таҳлил қилиниб, жорий йилга мўлжалланган асосий вазифалар белгилаб олинди. Ушбу масалалар юзасидан вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Раимберган САБУРОВнинг маърузаси таҳлилий-танқидий руҳда баён этилди.

Таъкидландики, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги 15 нафар депутатдан иборат партия гуруҳи ўтган йили бир қатор долзарб ижтимоий масалаларни ўрганган. Депутатлар ташаббуси билан доимий комиссия йиғилишларида электротартиб манфаатлари ҳимоясига қаратилган 11 масала кўриб чиқилган. Аммо уларни сессиялар кун тартибига олиб чиқишда кўнгилдагидек ишлар қилинмади.

Боғибек ҚОСИМОВ,
Ҳазорасп туман партия кенгаши раиси:

— Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз ўтган йили битта масалани сессияга олиб чиқиб, тегишли қарор қабул қилишга эришди. Эндиликда унинг ижросини назорат қилишга эътибор қаратяпмиз.

Пленумда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз аъзолари депутатлик сўровидан самарали фойдаланмаётгани танқид қилинди. Бу тўғри. Ўзимиздан қиёс: туман Кенгашидаги депутатларимиз ўтган йили 6 депутатлик сўрови билан чиқилган. Ваҳоланки, жойларда аҳолини ўйлантириб келаётган, ечимини кутаётган муаммолар оз эмас. Ҳар бир депутат одамлар ишончини оқлаш учун жонқуярлик кўрсатиши керак, деб ўйлайман. Очиги, бу йил партия гуруҳимиз аъзолари фаолиятида олға силжиш кузатиляпти. Жорий йилнинг ўтган биринчи чорагида депутатларимиз 5 депутатлик сўрови билан чиқилди. Биз кўтарилган ҳар бир масаланинг ечимини топиш учун қатъий позицияда турмоғимиз лозим.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги 15 нафар депутатдан иборат партия гуруҳи ўтган йили бир қатор долзарб ижтимоий масалаларни ўрганган. Депутатлар ташаббуси билан доимий комиссия йиғилишларида электротартиб манфаатлари ҳимоясига қаратилган 11 масала кўриб чиқилган.

Вилоят партия кенгаши раиси ўз маърузасида оғриқли бир муаммога эътибор қаратди. Ўтган йили «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг шаҳар, туман ва вилоят босқичларида иштирокчилар истиқболли бизнес режалари билан иштирок

этишганди. Уларда ёшларимизни иш билан таъминлаш кўзда тутилган эди. Аммо, мазкур режаларни молиялаштириш, ҳаётга татбиқ қилиш масаласи ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ташаббускор ёшларга кўмаклашиш партия кенгашлари, депутатларимизнинг доимий ишига айланиши керак, албатта.

Рашида СУЛТОНОВА,
«ЎЗХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови республика босқичи иштирокчиси:

— Чекка қишлоқларда яшаётган хотин-қизларимизга жуда асқотадиган, уларга ўз имкониятларини рўёбга чиқаришда ёрдам берадиган лойиҳам билан танловда иштирок этдим. Ҳозир уни амалга ошириш учун ҳаракат қилияпман. Бундай кўрик-танловлар барчамиз, айниқса, ёшларимиз учун катта имконият. Танловдан сўнг кўплаб ёшлар партиямизга аъзо бўлиш истagini билдирди. Ана шундай йиғит-қизларнинг ишончини қозониш учун амалий ишларимизни янада кўпайтиришимиз керак.

Пленумда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлашда партия фаоллари, депутатлар янада фаол бўлиши кераклигига ургу берилди. Мунтазам мониторинг олиб бориш, шунингдек, партиямиз Ҳаракат дастури ижросини

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Академик Фани Абдурахмонов

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолликка учради. Ўзбек тилшунослиги соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Фани Абдурахмонов 91 ёшида вафот этди.



Ф.Абдурахмонов 1925 йилда Фарғона шаҳрида туғилди. 1946 йили Фарғона давлат педагогика институтини тугатганидан сўнг шу даргоҳда илмий-педагогик фаолиятини бошлади. 1950 йилда номзодлик, 1962 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1968 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолиятини биргаликда олиб борган истеъдодли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Фарғона давлат педагогика институтини кафедра мудири ва проректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтини сектор мудири, Фарғона давлат педагогика институтини ректори, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат чет тиллари институтини, Тошкент давлат педагогика институтини ректори, Тил ва адабиёт институтини бош илмий ходими, Тошкент давлат шарқшунослик институтини профессор каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди. Юртимизда тилшунослик фани соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш ишига муносиб ҳисса қўшган Ф.Абдурахмоновнинг ўзбек адабий тилининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган қўлаб монография, рисола ва мақолалари, унинг раҳбарлиги остида тайёрланган лугатлар кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Талабчан ва жонкуяр инсон сифатида кўп қўлаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган заҳматкаш олимнинг бевоқиф раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Академик Ф.Абдурахмоновнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони, «Шуҳрат» медали билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, камтарин инсон Фани Абдурахмоновнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ,
Ш.МИРЗИЕВ, Ш.СОЛИХОВ.

ТАДБИР

Амир Темури — буюк давлат асосчиси



Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши томонидан Темурийлар тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказилди.

Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 680 йиллигига бағишланган тадбирда тарихчи олимлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик ваколатхоналар вакиллари, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили иштирок этди.

— Амир Темури ҳақида сўз айтиш шарафли бўлиш билан бирга ўта масъулиятли вазифа ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши раиси Минхонджин Мирзо. — Бу зот ҳақида гапирар эканмиз, аввало унинг буюк шахс эканини алоҳида таъкидлашимиз. Фахрли томони шундаки, бу бахони унга тарихнинг ўзи берган.

Истиқлол туфайли Амир Темури олдидаги фарзандлик бурчимизни ўташ имконига эга бўлди. Соҳибқирон бобомизга Тошкент, Самарқанд ва Шахрисабзда ҳайкал ўрнатилди. Бу буюк зот ҳақидаги асл ҳақиқат тикланиб, адолат қарор тоғди. Давлатимиз

раҳбари таъкидлаганидек, Амир Темури шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурини англаш — ўзликимизни англаш демакдир. Амир Темурини улуғлаш — тарих қазрига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

— 1996 йилда ЮНЕСКО томонидан Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланган эди, — дейди ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Кристиа Пиккат. — Ўша йили ЮНЕСКОнинг Париждаги ваколатхонасида буюк давлат арбобиغا бағишланган кўргазма бўлиб ўтган ва унда бир қатор нуфузли шахслар қатнашган эди. Амир Темури нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда севиб, ардоқлашади, десам хато қилмаган бўламан. Ҳозир мен Темурийлар тарихи давлат музейини яна бир марта томоша қилдим. Соҳибқироннинг шахсини тўла англаш, фаолиятига баҳо бериш учун музейдаги экспонатларни бир неча марта кўзда кечириш кам, деб ўйлайман.

Темури АбЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Битта шеъримда «Юраги меҳрдан бунёд халқдир бу», деб ёзгандим. Мен ҳам шу улуг халқнинг битта заррасиман...

Чироқчилик ёшлар ўқиш, изланишда барчага ўрнак бўлмоқда

Чироқчида Республика Маънавият тарғибот маркази ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида «Юксак маънавиятли авлод» фестивали ўтказилди.

Қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш коллежининг ҳовлисида 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган 800 дан ортиқ йигит-қиз, санъаткорлар, ҳунармандлар, шунингдек, маҳалла фаоллари, ота-оналар тўпланишди. Қуй-қўшиқ янгради. Йигитлар ёш расомлар, қулоллар, дурадгорлар томонидан яратилган ижодий ишларга баҳо беришди.

Коллежининг дарахтларга бурканган ҳовлисида эрталабдан фестивал иштирокчилари тўплана бошлашди. Мен уларга боқиб ўтмишда иқтисодий нозор туманининг мустақиллик йилларида жадал ривожланганлиги, муносиб авлод камолга етаётгани ҳақида ўйлайман. Айни пайтда туман аҳолиси 400 мингдан ошди. Жами 176 мактабда 60 мингдан зиёд, 16 коллежда 10 мингдан ортиқ ёшлар таълим олмақда.

Анжуман ўтадиган қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш коллежининг директори Иштиёржон Абдуллаевнинг айтишича, ушбу таълим муассасасида 2082 нафар ўқувчи 12 йўналиш бўйича касб-ҳунар ўрганишмоқда. Илм ва ҳунар масканида барча шароитлар яратилган. 2003 йилда Япония гранти асосида турли қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналар келтирилган. Суҳбат давомида бизга яна бир хушхабар айтишди — туман ҳокимлиги коллеж учун алоҳида, ёр майдони ажратиб бермоқчи экан. Ўқувчилар ўзлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш экан.

Тобора ҳовлини тўлдирётган ёшлар, тадбир ташкилотчилари билан суҳбатлашаман. Республика маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Шоназар Жовлиев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси Санжар Бобоқулов ёшлар учун яратилаётган шароит, кутубхоналар, фестиваль шартлари ҳақида гапирди. Яна туманда камолга етаётган иқтидорли ёшлар, уларнинг ўй-фикрлари ҳақида сўз боради.

Масалан, Юртбошимиз бундан анча йил бурун «Қаҳрамон» қишлоғида яшаётган 6-синф ўқувчиси Сарвиноз Эргашеванинг Испанияда ўтган халқаро шўхмат мусобақасида эришган ютуқларини қувониб эътироф этган эди. Йиллар ўтди, Сарвиноз шўхмат бўйича яна кўлаб муваффақиятларга эришди. Қарши давлат университетини битириб,

ҳозир ўқувчи бўлиб ишламоқда. У яшаётган қишлоқда ёшув кекса шўхматни хуш кўради. Тўйларда кураш, кўпқари ўйинлари қатори шўхмат мусобақалари мунтазам ўтказилади. Ҳозир тумандаги тўғрақларда 1000 дан ортиқ шўхмат ишқибози шугулланишаркан.

Дурдона АКБАРОВА,
Чироқчи туман хотин-қизлар кўмитаси раиси,
халқ депутатлари
Кенгашидаги ЎзАДП гуруҳи аъзоси:

— Фахрлиб айти оламизки, ёшларимиз билимдон ва изланувчан. Уларнинг камол топиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Соғлом танда соғ ақл, дейди доно халқимиз. Ўтган йили туман марказида болалар истироҳат боғи қуриб ишга туширилди. Шу йилнинг март ойида Хумо қишлоғида спорт мактаби фойдаланишга топширилди. Шунинг билан айтмакчи, мазкур мактабда катта ёшдагиларнинг спорт билан шугулланиши учун ҳам барча шарт-шароит яратилган. Натижада 400 аёл мунтазам жисмоний тарбия билан шугулланмоқда. Ўзим ҳам спортга қатнашман. Қўш уясида қўрганини қиладиган деганларидек, ёшлар ота-оналаридан ўрнак олишади.

Чироқчи турли касб-ҳунар эгалари маҳорати билан тилга тушган. «Араббанди» қишлоғидаги гилам тўқувчи, «Шуҳрат» медали соҳиби Салтанат Қўлдошеванинг ҳунарини Япония давлатидан келган аспирант қиз бир йил давомида ўрганиб, ўз юртида алоҳида китоб эълон қилди. Ҳозир Салтанат 35 нафар ёшга гилам тўқиш сирларини ўргатмоқда.



Юсуф АБДУХАЛИЛОВ,
коллеж ўқувчиси:

— Мен Қаршидаги «Насаф» футбол академиясида таълим олдим. Ҳозир шу коллежда ўқишни давом эттирялман. Келажакда машҳур футболчи бўлмоқчиман. Миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатида қиқшига ҳисса қўшмоқчиман.

Лайло АБДУХАМИДОВА,
коллеж ўқувчиси:

— Ота-онам ўқувчи. Мен ёшлиқдан тикувчиликка қизиқаман, шеърлар ёзаман. Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарини барчамиз ўқиб-ўрганаётимиз. Ҳеч қандай ёт го бизни чалғита олмайди. Ватанимиз биз учун жондек азиз.

Ахтам ХАЙДАРОВ,
Жар ҚФЙ раиси:

— Бизнинг қишлоқларимизда 8 мингдан ошди аҳоли истикомат қилаётти. Жами 4 мактаб ва 1 коллеж бизнинг ҳудудда. Маҳалла фаоллари бу ўқув масканларига тез-тез бориб туришади. Қадимдан бир болада етти қўшининг ҳақи бор, деган нақл қолган. Ҳақиқатан ҳам фарзандларимиз эл-юрта содиқ, миллий ғояларимизни қалбга жо қилиб камолга етишлари учун барчамиз масъулмиз.



Тадбир бошланди. Ўзбекистон мадҳияси янгради. Табрикдан сўнг навбат кўрикка келди. Агар образли қилиб айтсак, болалар дунёси бегубор, бепоён, уларнинг қалби парвозга шайланаётган умид қушларини эслатади. «Баркамол авлод» болалар марказида фаолият кўрсатаётган тўғрақ аъзоси, 3-синф ўқувчиси Умид Дўстқулов портрет жанрига қизиқаркан. Шохрух Бойғозиевнинг чизган манзаралари ҳар қандай қишга қувонч бағишлайди. 41-мактабдаги «Моҳир кўлар» тўғраги аъзолари турфа буюмлар тайёрлаб келишди. Ёш қулоллар, дурадгорлар ишлари ҳам диққатга сазовор. Шунингдек, «Президент асарлари билимдон», «Энг иқтидорли ҳунарманд», «Ватан қуйчиси» ва бошқа йўналишлар бўйича голиблар аниқланди.

Ноғиронлар аравачасида ўтирган, аммо тенгдошларидан қолишмай улар билан бахslashётган бир қиз эътиборини тортди. Танишдик. У Бахтинисо Махмудова экан.

— 2009 йилда Қарши тиббиёт коллежиди ўқиётган эдим. Ногоҳ йиқилиб, жароҳат олдим, — дейди у. — Жароҳатли амаллари наф бермади — оёқларим ишламай қолди. Аммо тўшаққа михланиб қолишни истамаман. Ўқиб-ўрганаёлман. Юртимизни, бахтимизни, истиқлолимизни қўлашга интилаялман. Иккита шеърим китобим чоп этилди. Бугун фестивалда янги танишлар, дўстлар ортирдим. Биз ёшлар Ватанимизни шундай севамикчи, дунёда ҳеч ким бизни ойдин йўлимиздан чалғита олмайди. Чунки таянчимиз бор. Битта шеъримда «Юраги меҳрдан бунёд халқдир бу», деб ёзгандим. Мен ҳам шу улуг халқнинг битта заррасиман...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

МУҲОЖИРЛАР

мамлакатни тарқ
этишлари учун пул
таклиф қилинмоқда

Норвегия ҳукумати мамлакатни бир ярим ой ичида ихтиёрий тарқ этадиган биринчи 500 муҳожирнинг ҳар бирига 30 минг крона — 3,6 минг АҚШ долларидан бериш ниятида. Бу ҳақда Норвегиянинг Иммиграция ишлари бўйича вазирлиги маълум қилди, дея РИА Новости хабар берди.



Иммиграция ишлари бўйича бошқарма мамлакатдан ихтиёрий равишда чиқиб кетмоқчи бўлганларга муқаддам 20 минг крондан ваъда қилган эди.

Бундан мақсад — муҳожирларни тезроқ ватанларига қайтаришдан иборат. Ҳукуматнинг муҳожирларга бундай таклифи олти ҳафта давомида кучда бўлади ва бу фақат жорий йилнинг 1 апрелигача Норвегияга келган муҳожирларга тааллуқлидир.


Шунингдек, икки болали оилалар ва баъзи бошпана сўровчилар 80 минг крона (9 минг АҚШ доллар) олишлари мумкин.

Хабарларга кўра, ўтган йили 31 минг киши Норвегия ҳукуматидан бошпана сўраб муҳожаат қилган.

БИГ-БЕН СОАТЛАРИ

таъмирлаш
мақсадида бир неча
ойга тўхтатилади

Британия парламенти дунёга Биг-Бен номи билан машҳур бўлган Елизавета минораси соатларида таъмирлаш ишлари ўтказилиши муносабати билан улар бир неча ойга ишламайди. Бу ҳақда 26 апрель куни парламентнинг умум палатасида маълум қилинган.



Техник хизмат кўрсатиш учун соат механизмларини бир неча ойга тўхтатишга тўғри келади. Шу муддат мобайнида соат курантлари ҳам жарангламайди, — дейилади расмий хабарда.

Баландлиги 96 метрлик Биг-Бен минораси инглиз мезмони Огастеса Пьюжина лойиҳаси асосида 1858 йилда қурилган, Викториан даврига мансуб меъморий ёдгорлик ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган.

РЕКЛАМА

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Ягона буюртмачи хизмати» сифатида иш юритувчи Капитал қурилиш бошқармаси

қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Сунтосан Реада кўчасида жойлашган ИИБ Биносини реконструкция қилиш.
Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 5 249 061 589 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 4 374 217 991 сўм, қурилиш муддати — 12 ой.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Ягона буюртмачи хизмати» сифатида иш юритувчи Капитал қурилиш бошқармаси.

Манзили: Тошкент шаҳри, Усмон Носир 1-берк кўчаси, 9-уй. Телефон-факс: (0-371) 254-79-42, 231-38-74, 232-25-47.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида фақат «Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестри»га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига рухсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларини беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг маъжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тахрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қиувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат

солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» кўмитасининг Сурхондарё вилояти қурилиш-да танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36-«А» уй. Телефон-факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 150 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириг муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уйда ўтказилади.



РАНГ-БАРАНГ
АНГИЛИКЛАР

Кореянинг «Vision Care Servise»

халқаро ташкилоти
Ўзбекистонда

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди мазкур ташкилот билан ҳамкорликда 2015 йилда Бухоро ва Фарғона вилоятида хайрия акцияси ташкил этганди. Ушанда икки мингга яқин киши тиббий кўрикдан ўтказилган эди.

Бу ишлар 2016 йилда ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, 24-29 апрель кунлари ушбу халқаро ташкилот ходимлари Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида кўз касалликларига чалинган беморларни умумий чўқурлаштирилган тиббий кўриктан ўтказди.

Мазкур акция доирасида дори-дармон ва санитария-гигиена воситалари беморларга бепул тарқатилди.

Гроссмейстерлик талаби бажарилди

26 апрель кун истафодли шахматчи Гулрухбегим Тохиржонова Tashkent Open халқаро турнирининг сўнгги турида армянистонлик Тигран Петросянни мағлубиятга учратди.

Шу тариқа у гроссмейстерлик талабини бажарди, деб хабар қилади olamsport.com.



Энди Ўзбекистонда аёл гроссмейстерлар сони икки нафарга өтди. Биринчи аёл гроссмейстер Гулрухбегим Тохиржонованинг олмаси Нафиса Муминовадир.

Ўзбекистонлик талаба

Токиода ўтказилган
танловда голиб
бўлди

23 апрель кун Токио шаҳрида элчихоналар ходимлари ўртасида 19-мартаба «Япон тилида нотиклик санъати» танлови бўлиб ўтди. Унда 20 га яқин хорижий давлат элчихона вакиллари иштирок этди.

Танловга Япония Ташқи ишлар вазирлиги, Япония фан, таълим, маданият вазирлиги, «Ниппон Таймс» нашри ва бир қанча йирик корпорациялар ҳомийлик қилди.

Токио чет тиллари университети магистранти Фахриддин Эргашев «Дунёни ўзгартирувчи куч» мавзусида қилган чиқиши учун биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. У диплом ва Япония Ташқи ишлар вазирлигининг махсус соврини билан тақдирланди.


2016 йил — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

«Мен болаларни яхши кўраман»

Атоқли шоир Турсунбой Адашбоев билан суҳбат

«Дўстлик» ордени соҳиби, Ёзувчилар уюشمаси болалар шеърлати кенгаши аъзоси Турсунбой Адашбоевнинг кичкинтойлар учун 25 дан ортиқ шеърлати тўпламлари ва кўп таърифи асарлари чоп этилган. Ижодкорнинг асарлари рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва латин тилларига ўғирланган.

Шоир билан суҳбатимиз бадий адабиётнинг болалар маънавий камолотидаги аҳамиятидан бошланди.



тафаккурини бойитмайди, аксинча, қашшоқлаштиради. Китоб эса мулоҳазага, мушоҳадага, яратувчанликка ундайди.

— Боланинг дунёни англашида ижодкорнинг иштироки қай даражада, деб ҳисоблайсиз?

— Боланинг дунёни англаши ва таниши тадрижий равишда кечади, берган саволига ота-онасидан жўяли жавоб олиши унинг дунёқарашини кенгайтиради. Болага атроф-муҳитда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни, табиат қонунларини поғонама-поғона ўргатиб боришда шоир ва ёзувчилар, мусаввирлар асарларидан фойдаланиш жуда муҳим. Чунки рангтавсир ва бадий сўз болани дунёнинг хайратомуз сир-синаотларидан баҳраманд қилади.

Натижада бола шахсияти ривожланиб, унда ўзлигини англаш жараёни бошланади. Ёши улгайган сайин болада реалистик асарларга қизиқиш ошади. У бу китоблар туфайли ўтмиш ва ҳозирги давр билан танишади. Булар эса болага маънавий ва ахлоқий таъсир кўрсатади.

— Сиз кўнглига умид билан қалам тутган, болалар адабиётига кириб келаётган ижодкорларнинг тўғри ўзанга йўналтирасиз. Шунинг учун ҳам бир қатор болалар шоирларни сизни ўзига устоз деб билади.

— Бунинг сабаби бор. Катта дарёдан сув ичган одам бошқаларни кўлмакка бошламайди. 1958 йилнинг апрель ойида Миртемир домла «Манас» эпосини таржима қилиш ниятида ижодий сафар қилганларида икки ҳафта у кишига ҳамроҳлик қилганман. Болаларга аталган машқларимни ўқиб кўрган устоз

■ Китоб ўқиётган бола қуёшдан баҳра олаётган ниҳолга ўхшайди. Чунки китоб барча эзгуликларнинг боши, маърифат ва зиё манбаи.



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

кичкинтойларнинг улкан, ўта талабчан шоири Қудрат Ҳикмат билан таништирган. Ҳар икки устозим мени кўлаб-қувватламаганда, адабиётнинг оддий муҳлиси бўлиб юраредим.

1960 йилнинг августида Миртемир домланинг таклифи билан Дўрмонда ёш ижодкорлар кенгашида иштирок этганман. Шу ерда Тўра Сулаймон, Йўлдош Сулаймон, Сафар Барноев ва Ҳабиб Раҳмат билан дўстлашдим. Болаларнинг сеvimли шоири Қудрат Ҳикмат семинар раҳбари бўлган эди ўшанда. Болалар адабиётининг ўша кездеги таниқли вакиллари Ҳакам Назир, Қуддус Муҳаммадий, Шукр Саъдулла, Толиб Йўлдош ва Пўлат Мўмин билан яқиндан танишганман. Ушанда Толиб Йўлдош ва Қудрат Ҳикматнинг болалар шеърлати бўйича билдирган фикрлари, ўринли мулоҳазалари жуда катта ибрат бўлган.

Семинардан олган хулосам, устозларнинг берган маслаҳатлари шундан иборат бўлдики, болалар учун ёзилган шеърлар қисқа бўлини, лўнда, қувноқ, воқеабанд ва янги қўфияларга тўйинтирилган бўлиши керак. 60-йилларда дастлабки шеърларим «Гулхан» журналида чоп этилиши мен учун ҳақиқий байрам бўлган эди. Талабалик

чоғимдаёқ «Камолнинг олмаси» номли биринчи китобим босилиб чиққан.

— Бугунги ўзбек болалар адабиёти, унинг дунё болалар адабиётда тутган ўрни ҳақида тўхталсангиз...

— Ўзбек болалар адабиёти фахри бўлган, асарлари ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борган Носир Фозилов, Худойберди Тўхтабоев, Миразиз Аъзам, Эркин Малик, Анвар Обиджон, Ҳабиб Раҳмат сингари ижодкорлар ортдан Кавсар Турдиева, Маъмур Қаҳҳор, Дилшод Ражаб, Қўзи Исмоил, Эрпўлат Бахт каби пишиқ-пукта ёздиған, болаларга маъқул бўлган асарлари билан кўзга кўринган авлод етишиб чиқди.

«Дўрмон» ижод уйида ўтказилган семинарлар кичкинтойларнинг катта адабиётга кириб келаётган иқтидорли ёшларни кашф этапти. Бу албатта жуда қувонарлидир.

Болаларга атаб шеър ёзиш, асар яратиш, бошқа тилдан таржима қилиш ҳар қандай ижодкорнинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Ҳар бир ёзилган асар болаларда китобхонликка, мунолага иштиёқ уйғотиши керак, деб ҳисоблайман.

Жаҳон халқлари болалар адабиётининг энг машҳур намоёндалари — Шарл Перро, Даниел Дефо, Жонатан

Свифт, ака-ука Гриммлар, Ханс Кристиан Андерсен, Лев Толстой, Корней Чуковский, Агата Кристи сингари жуда кўп таърифи ижодкорларнинг асарлари она тилимизга таржима қилинган. Лекин бизнинг дунё болалар ёзувчиларига тенглашадиган, ҳатто қайси жиҳатлари биландир устун турадиган Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон сингари адбларимизнинг асарларини қойилмақом қилиб ўғирадиган ўз таржимонларимизни етиштириб чиқаришимиз керак, деб ўйлайман. Чунки бу асарларни бор латофати билан намоён қилиш учун таржимон халқнинг руҳини, қадриятларини билмоғи керак.

Бугунги адабий жараёнда ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини жаҳон тилларига таржима қилиш ишлари ривожланипти, сафимизга истеъдодли ёш таржимонлар келиб қўшилаётир. Ёзувчилар уюشمаси томонидан бу борада изчил иш олиб бориляпти. Ўйлайманки, ҳадемай ўзбек болалар адабиёти намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш ҳам йўлга тушади.

Суҳбатимиз сўнггида бир гапни айтмоқчиман: мен болаларни яхши кўраман...

«Ўзбекистон овози» муҳбири
Нуруллоҳ ДОСТОН
суҳбатлашди.

СПОРТ

Шу кунларда пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида оғир атлетика бўйича эркалар ва аёллар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати қизгин давом этапти. Қитъамизнинг ўттиз икки давлати вакиллари иштирок этаётган мазкур нуфузли мусобақада эркалар саккиз, аёллар етти вазн тоифасида майдонга чиқмоқда.

Адҳам Эргашев — бронза медали соҳиби!

Чемпионатнинг «А» гуруҳи баҳсларида ҳамюртимиз Марина Сисоева (53 килограмм) даст кўтаришда 88 килограмм, силтаб кўтаришда эса 110 килограмм тош кўтариб, иккикураш якунига кўра 188 килограмм натижа билан 7-ўринни эгаллади.

Эркалар ўртасида Адҳам Эргашев (62 килограмм) даст кўтариш мусобақасида 125 килограмм тошни ўзига бўйсундирди ва бронза медали билан тақдирланди.

Хотира турнири

Пойтахтимизда шоҳмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган анъанавий «Тошкент опен» халқаро турнири ниҳоясига етди. Унингчи маротаба ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг ўндан ортиқ мамлакати шоҳмат усталари голиблик учун донна сурди.

Швейцарча тизимда ўтказилган турнир якунида тўққиз имкониятдан 7,5 очко тўплаган тожикистонлик Фаррух Омонатов қўшимча кўрсаткичларга кўра, биринчи ўринни эгаллади. Озарбайжонлик Рауф Мамедов иккинчи, 7 очко жамгарган украинлик Александр Зубарев эса учинчи поғонадан жой олди.

Аёллар ўртасидаги баҳсда ҳамюртларимиз қучли учкидан ўрин эгаллади. Унда Гулрухбегим Тохиржонова (6,5 очко) бош совринни кўлга киритган бўлса, Сарвиноз Қўрбонбоева ва Севара Боймуродова 5,5 тадан очко жамғаришга муваффақ бўлди.

20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Нодирбек Ёқуббоев (6,5 очко), Ортик Нигматов (6 очко), Нилуфар Ёқуббоева (5 очко) голиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

Мусобақанинг 10 ёшгача бўлган шоҳматчилари ўртасида Исроилбек Синдоров (4,5 очко), 6 ёшгача болалар ўртасида Хумоюн Бекмуродов (4 очко)ларга тенг келадигани топилмади.

Фахрийлар ўртасида эса қучли учлик Ақром Тошхўжаев (6 очко), Владимир Егин (5,5 очко) ҳамда Георгий Ли (5,5 очко)га насиб этди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан,
г. Ташкент.
Теле-факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33,
(+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o'rinbosari: Farrux HAMROYEV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Saidkamol	Saidahmad
Hotamjon KETMONOV	XODJAYEV	RAHIMOV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	Tat'yana
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	KISTANOVA
	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459
15101
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:05
Topshirilgan vaqt — 23.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 6